



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 25 апрель. ЎзА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25 апрель кун расмий ташир билан Москвага келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган «Внуково-2» аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Тантанали кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Шу кун Ислон Каримов билан Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Таширнинг асосий воқеалари 26 апрелга белгиланган.

Икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги ривожининг долзарб масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон билан Россиянинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ЎзА

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
САЙТИДА ЎҚИНГ!**

**ПАРТИЯ ГУРУХЛАРИ
ФАОЛЛИГИ**

**ижтимоий масалалар
ечим топишида муҳим
ўрин тутди**



Нукус шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

www.xdp.uz

■ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА МУНОСИБ СОҒФА



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон ёшлари

ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир марта намойиш этишди

Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети I курс талабаси Жалолиддин Хушвақтов, II курс талабаси Музаффар Махсумов Россия пойтахти Москва шаҳрида ўтказилган «Очиқ интернет халқаро

олимпиадаси»да кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

Мазкур олимпиадада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг юзга яқин олий таълим муассасасидан

қарийб 500 нафар талаба иштирок этди.

Ёш олимларимиз «Махсус ихтисослаштирилган кимё курслари» йўналиши бўйича берилган масалаларни муваффақиятли бажариб, голиб бўлишди.

■ ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Партия ташкилотлари ва депутатлар

изчил ҳамкорлик қилиши лозим



ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши пленуми бўлиб ўтадиган бинога кираверишда депутатлар ва бир гуруҳ ёшларнинг суҳбатига гувоҳ бўлдик...

► Давоми 2-бетда.

Фидойи бўлиш талаб этилади

Ўтган даврда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз ташаббуси билан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир муайян масалалар ўрганилди. Хусусан, 11 масала партия гуруҳларида, 3 масала доимий комиссияларда муҳокама этилди.

2

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон ХДП Қонлиқўл туман кенгаши 19-сон мусиқа ва санъат мактабидида мазкур лойиҳа доирасида тадбир ўтказди. Унда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Пенсия жамғармаси туман бўлимлари, Бандликка кўмаклашиш маркази масъул ходимлари, партия фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

«КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ»

Тадбирда мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. ЎзХДП дастурий мақсад-вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қонлиқўл туман партия кенгаши раиси Дилбар Шамуратова электротар вакиллари ўйлантиратган масалаларни ўрганиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг аҳоли билан мулоқотини ташкил қилиш масалалари хусусида тўхталди. Парламентда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиботида алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Мулоқот давомида тадбир қатнашчилари турли саволлар билан мурожаат қилишди. Ёшга доир пенсияга чиқиш, меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга пенсия тайинлаш тартиби, шунингдек, чорвачилик, паррандачилик ва оилавий бизнесга оид саволларга депутатлар, мутахассислар атрофлича жавоб беришди.

Тадбир якунида 10 нафар ёш Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига қабул қилинди.

Нурлан КИШАНОВ



МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

белгилаб олинди

Вилоят ҳокимлигида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Шухрат Фаниев олиб борди.

Фарғонада ўтказиладиган сайловларда 1040 нафар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг 10 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланиши режалаштирилмоқда.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб боришмоқда. Ҳозирги кунга қадар 20 вилоят, шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссиялари, 1040 ишчи гуруҳлари тузилиб, сайловда иштирок этадиган вакиллар сони белгиланди.

ЭНГ ЯХШИЛАР АНИҚЛАНДИ

Умумтаълим мактаби ўқитувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи якунланди.

Бошланғич таълим, биология, она тили ва адабиёт, иқтисод, ҳуқуқ, география сингари 13 фан йўналишида ўтказилган танловда шаҳар ва туманлардаги маҳорат беллашувларида голиб чиққан 143 нафар педагог иштирок этди.

Кўрик-танлов юқори малакали педагоглари аниқлаш ва рағбатлантириш, таълим ва тарбия соҳасидаги инновацион технологияларни кенг оммалаштириш, соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини касбий малакаси ва маҳоратига кўра рағбатлантириш сингари бир қатор муҳим вазифаларга қаратилган.

Тадбир якунида 13 нафар педагог кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўланма олди.

ТАЖРИБА АЛМАШИШ —

ривожланиш гарови

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида бадий ҳаваскорлик жамоалари ва тўйрақлар ташкил этиш» мавзусида республика ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг расмий сайти хабар бермоқда.

Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўринбосари Фарҳод Жўраев, Республика халқ ижодиёти илмий-методик маркази раҳбари Азамат Хайдаров, шунингдек, вилоятлар маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ҳамда истироҳат боғлари раҳбарлари иштирок этишди.

Қатнашчилар Навоий шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Семинарнинг амалий қисмида меҳмонлар истироҳат боғи фаолияти билан яқиндан танишиб, тажриба алмашишди.

Тадбир сўнггида фольклор-этнографик ансамбллар ва эстрада хонандалари ижросида она юртин мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Навоий

ЎзХДП ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТ, ТУМАН,
ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИДА

ПАРКЕНТ ТУМАНИДА ЎзХДП ТИЗИМИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ЕТАКЧИЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎҚУВ-СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

ЧИНОЗ ТУМАНИДА «АЁЛ СОҒЛИФИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ТИББИЙ АКЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИДА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»ГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Ўтган йили электротатни ўйлантираётган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига 84 депутатлик сўрови юборилди.

Партия ташкилотлари ва депутатлар изчил ҳамкорлик қилиши лозим

— Мен пленумда шунчаки қатнашгани келмадим. «Истиқбол» ёшлар қаноти партиянинг таянчи ҳисобланади. Сафимиздаги ёшлар қанчаллик ташаббускор ва фаол бўлса, партия янгилаб, янада кучайиб бораверади. Шу боис пленумда фаолиятимизни ривожлантиришга доир таклифларимни билдирмоқчиман, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар «Ёш сиёсатчилар» клуби координатори Улугбек Аликулов.

— Фаолиятим давомида шунга иқдор бўлдимки, сиёсий партия, депутат ҳаётий масалаларни қанча кўп кўтарса, ташаббускор бўлса, мавқеи шунчалик юқори бўлади. Одамлар амалий ишларга қараб баҳо беради. Партияимизнинг тарафдорлари тобора кўпайиб бораётгани ҳам унинг амалий ишлари билан боғлиқ. Шу боис партияимиз дастурий мақсадлари рўйбга чиқиши учун бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак, дея фикрини давом эттирди Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Жасур Қулмухаммедов.

Пленум бошланди. Дастлаб партия кенгашлари ва гуруҳининг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил этилди. Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ҳайдар Бобохоновнинг ҳисоботи тинланди.

Қайд этилдики, ўтган йили шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи томонидан 11 масала партия гуруҳида, 2 масала доимий комиссия йиғилишида муҳокама қилинди. 2 масала сессияга олиб чиқилди. Хусусан,

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

«Яшнобод туманида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш ишларининг бориши тўғрисида»ги, «Миробод ва Олмазор туманларида иссиқлик энергияси самарадорлигини ошириш, уй-жой биноларида иссиқлик энергияси таъминотини белгиланган меъёrlар ва стандартлар даражасига етказиш, табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида»ги масалалар бўйича депутатлик назорати ўрнатилди. Шунингдек, Яккасарой туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислигига кўра иш билан таъминлаш жараёнида, Юнусобод туманида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларга имтиёз-ли кредит олишда кўмак бериш тўғрисидаги масалалар ўрганилди.

Бундан ташқари, ўтган йили электротатни ўйлантираётган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига 84 депутатлик сўрови юборилди. Уларнинг аксариятига тегишли тартибда жавоб олинди. Пленумда партия ташкилотлари ва гуруҳи олдида



Саломат ШОҲИДАНОВ оғли билан.

турган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича қатор таклифлар билдирилди. Хусусан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Муқддас Раҳматуллаева партия гуруҳи манзили ижтимоий ҳимоя масалалари билан боғлиқ қарорлар ижроси устидан қатъий депутатлик назорати ўрнатишда бошланғич ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш таклифи билан чиқди.

— Назорат-таҳлил тартибда ўрганиладиган ҳар бир масала учун, албатта, ишчи гуруҳи тузилиши ҳамда унинг иш режаси бўлиши, мутасадди ташкилотларнинг ҳисоботларини эшитиш мунтазам равишда олиб борилиши керак, — деди у.

Ўтган йили шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи томонидан 11 масала партия гуруҳида, 2 масала доимий комиссия йиғилишида муҳокама қилинди. 2 масала сессияга олиб чиқилди.

— Тўғри масалани кўтардингиз, — деди Чилонзор туман партия кенгаши раиси Рашид Муҳитдинов. —

Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электротат манфаатларини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан жамоатчилик ва депутатлик назорати кучайиши билан боғлиқ. Гап шу ҳақда кетганда, бир таклиф айтмоқчиман. Доимий комиссиялар ва сессиялар қарорлари ижроси устидан мунтазам ва талабчанлик билан назорат олиб бориш керак. Масалан, битта долзарб масала сессия муҳокамасига олиб чиқилди. Энди шу масала юзасидан қабул қилинган қарор қандай ижро этилмоқда, бу борада аҳолининг муносабати қандай? Шу каби саволларга жавоб топиш учун электротат вакиллари билан учрашувларни изчил йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман.

Давлат дастуридан келиб чиқиб...

Пленумда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида барча бирдек масъул экани, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича маҳалла ва бошқа жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш кераклиги таъкидланди.

Давлат дастури ижроси бўйича депутатлик, жамоатчилик назоратини кучайтириш йўлида партияимиз ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишларга танқидий ёндошиб, тегишли ҳулосалар чиқариб олишимиз керак бўлади. Бунда шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳимиз ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича қандай фаолият кўрсатаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Кўриб чиқилган барча масалалар, билдирилган таклифлар асосида пленумда асосий вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, партия кенгашлари, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигини изчил кучайтириб бориш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида маҳаллий Кенгашлар депутатлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари вакиллари ҳамда партия фаоллари электротат манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида ўзаро фикр алмашишди.

Фидойи бўлиш талаб этилади

Партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларининг фаолияти танқидий таҳлил этилди, уларнинг зиммасидаги вазифалар кўриб чиқилди.

Вилоят партия кенгаши раиси Акмал Асатов партия ташкилотлари ва гуруҳларининг электротат манфаатларига хизмат қиладиган ташаббусларини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурлар ижроси устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш масалалари ҳақида сўз юритди.

— Партияимиз Ҳаракат дастурини амалга оширишда асло хотиржамликка, ўзибўларчилик кайфиятига берилиб бўлмайди, — деди у. — Ўтган даврда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз ташаббуси билан ҳудудларимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир муайян масалалар ўрганилди. Хусусан, 11 масала партия гуруҳларида, 3 масала доимий комиссияларда муҳокама этилди, 1 масала эса сессияга киритилди. Бу натижалар қониқарли эмас, албатта. Партияимиз Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда Ҳатирчи, Учқудук, Кони-мех, Нурота, Зарафшон шаҳар кенгашлари сусткашликка йўл қўйди. Жорий йилда бор имкониятларимизни ишга солиб, электротат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятимизни янада кучайтириш талаб этилади.

Насиба Содиқова,
Навоий вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси, халқ депутатлари Кармана туман Кенгаши депутати.

— Бир нарсани доимо ёдда тутишимиз керак. Яъни, партия ташкилотининг, унинг депутати учун гоё ва дастур ижроси, электротат манфаати йўлидаги масаланинг катта-кичиги бўлмайди. Ишимизда амалий натижалар кўпайиши, сайловчилар ишончли оқлаш учун ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини кенг таҳлил қилишимиз, аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришимиз зарур. Айниқса, Соғлом она ва бола йилида қилишимиз лозим бўлган ишлар жуда кўп. Масалан, жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирларида эрта никоҳнинг олдини олиш, яқин қариндошлар турмуш қуришининг салбий оқибатларини аҳоли ўртасида тушунтиришимиз керак.

Тадбирлар фақат ташвиқот ва тарғиботдан иборат бўлиб қолмасдан, уларда электротатимиз қандай муаммоларга дуч келаётганини таҳлил этишга кўпроқ эътибор қаратилса, тўғри бўлади. Бу ишларни бажариш бошланғич ташкилотларимиздан янада ташаббускор, партия аъзоларимиздан эса фаол бўлишни тақозо этади.

Пленумда, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари Мухаббат Темирова, Иба Наризова ҳамда бошқалар сўзга чиқиб, олдинда турган вазифалар ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтишди.

Пленум якунида кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ



Фаолликни ошириш йўлида

Тошкент ирригация ва мелiorация институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан «Ёш сиёсатчилар» клубида интеллектуал ўйинларни ташкил этишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Унда мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар таъсирида одамларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий фаоллиги ошаётгани, Ватан келажагида дахлдорлик тўғриси кучайиб бораётгани таъкидланди.

Семинарда ёшларнинг сиёсий ҳуқуқий билимини ошириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасида клуб олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиз қандай улкан ютуқ ва марраларга эришяётган бўлса, барчаси тинч ва осуда ҳаёт, халқимизнинг аҳиллиги самарасидир. Бундай семинар-тренинглар ёшларни бир максад йўлида бириктириши, уларнинг сиёсий фаоллиги ва огоҳлигини оширишга хизмат қилади.

Семинар-тренингда «Ёш сиёсатчилар» клуби координаторлари интер-фаол усуллардан фойдаланган ҳолда интеллектуал ўйинларни ташкил этиш бўйича маҳорат дарслари ўтди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири.

ПАРТИЯМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН

Маънавиятли ёшлар тараққиётга муносиб ҳисса қўшади

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъуллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи аъзолари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбир доирасида ёшлар маънавияти, уларнинг онгига салбий таъсир кўрсатаётган ахборот хуружларининг олдини олиш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр алмашилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спортга кенг жалб қилиш борасида таклифлар билдирилди. Юзема-юз мулоқотлар ёшларда мустақил фикрлаш қўникмасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Абдуназар АҲМЕДОВ,
ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири:

— Тадбир интилувчан ёшларни бир максад атрофида жамлаш, йигит-қизларни турли ёт гоёлар таъсиридан асраш, уларнинг мафқуравий

иммунитетини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилди. Биламизки, партияимиз Сайловолди дастурида ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида ургу берилган. Партияимизнинг бугунгидек ташаббуслари бу борадаги вазифаларни самарали ижро этишга, ёшларни жипс-лаштиришга хизмат қиладиган деб ўйлайман.

Акмал УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Мустақиллик йилларида юртимизда ёшларнинг ҳақ-хуқуқларини таъминлашга оид қўллаб-қўнунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Уларнинг барчаси йигит-қизлар ўз иқтидорини намойиш этиши учун муносив шарт-шароит яратишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ёшларни ёт гоёлар таъсиридан асраш, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг энг самарали йўли уларнинг бандлигини таъминлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ҳам ушбу масалаларда қатор вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ўз таркибидида фаол ёшларни бириктириш, уларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бел боғлаган партияимиз қатор ташаббусларини илгари сурмоқда.

Хусусан, барча даражадаги депутатлар томонидан



батирувчиларни келажаётган таъмирлашга юзасидан қўллаб-қувватлашнинг энг самарали йўли уларнинг бандлигини таъминлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ҳам ушбу масалаларда қатор вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ўз таркибидида фаол ёшларни бириктириш, уларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бел боғлаган партияимиз қатор ташаббусларини илгари сурмоқда.

Хусусан, барча даражадаги депутатлар томонидан

алоқаларининг тақомиллаштирилиши ижобий самара бермоқда.

Биз бир нарсани ҳамisha ёдда тутишимиз керак. Бекор юрган боланинг ҳаёлига турли ёт гоёлар осонлик билан ўрнашиб олади. Шу боис биз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнида фаоллик кўрсатишимиз керак, деб ўйлайман.

Шунингдек, тадбирда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш билан боғлиқ

масалалар юзасидан Ўзбек миллий академик театри актёрлари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Тоҳир Саидов, Лола Элтоева ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Ёшлик» журнали Бош муҳаррири Нодир Жонузоев ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир жонли мулоқот тарзида давом этди. Унда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафича жавоб олишди.

Алишер РАВШАНОВ

26 АПРЕЛЬ – ХАЛҚАРО
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
МУЛК КУНИ2011 йил 24 майда Президентимиз қарорига биноан
Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилган эди.Ҳиндистон
ташқи ишлар
вазир
ўринбосари
Тошкентда

Ҳиндистон Республикаси
ташқи ишлар вазир ўринбосари
Суката Мехта бошчилигидаги
делегация юртимизда меҳмон
бўлиб турибди. Бу ҳақда
Ўзбекистон Республикаси Ташқи
ишлар вазирлиги матбуот хизма-
ти хабар бермоқда.

Ташриф дастурида ташқи
сўбсат идоралари раҳбарлари-
нинг ўринбосарлари даражасида
иқтисодий ва саноат ишлари
шувларининг навбатдаги раунди-
ни ўтказиш кўзда тутилган.

Турин
политехника
университетига
қабул квотаси
кўпайтирилади

Вазирлар Маҳкамасининг
қарори билан Тошкентдаги Турин
политехника университети
2016-2017 ўқув йили учун қабул
квотаси белгиланди.



Университет матбуот хизмати-
нинг хабар қилишича, янги ўқув
йилида бакалавриятда таълим
олиш учун тўлов-шартнома
асосида ўтган йилдагидан кўп
яъни, 350 талаба қабул қилинади.

Шунга қўра, машинасозлик
технологияси мутахассислиги
бўйича 200 (ўтган йили 150),
ахборот технологиялари ва
саноат йўналишига 100 (ўтган
йили 50) йигит-қиз таълим олиш
имконига эга бўлади.

Соғломлаштириш
соҳасида
халқаро тажриба
алмашинув

Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерациясининг Санатор-
курортлар бошқармаси мутахас-
сисларида иборат делегация
Чехия Республикасининг Карло-
ви Вари ва Марианске-Лазне
санаторийларида бўлиб, тажри-
ба алмашиб кайтиди.

Федерация матбуот хизмати-
нинг хабар беришича, делегация
вакиллари мазкур санаторий-
ларда дам олувчилар учун
яратилган шарт-шароитлар,
тиббий усуллар ва даволаш
усуллари билан танишишган.
Шунингдек, соғломлаштириш
тизимида тиббий хизмат сифа-
тини ошириш, сервис хизматла-
рини ва тиббий туризмни юқори
даражада ташкил этиш юзаси-
дан тажриба алмашишган.

Ҳар бир инсон интеллектуал
мулк ҳуқуқига эга

Халқаро интеллектуал мулк кунини му-
носабати билан Ўзбекистон Интеллек-
туал мулк агентлигининг «Мулкий
ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилотлар-
ни назорат қилиш ва давлат рўйхати-
дан ўтказиш» бўлими мудири Ўктам
Ибрагимов билан суҳбат.

— Интеллектуал мулк
объектлари нималардан
иборат ва уларнинг дахл-
сизлиги ҳақида тўхтал-
сангиз?

— Илмий, адабий ва ба-
дий фаолият натижалари,
ихтиролар, саноат намуна-
лари, фойдали моделлар,
товар белгилари (инновация
технологиялари, илмий-тех-
ника ва саноат ишланмала-
ри), селекция ютуқлари, ба-
дий-конструкторлик ва
бошқалар, ижодиёт ишлари
интеллектуал мулк объект-
лари ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжат-
ларда, миллий қонунчилиги-
мизда ҳам интеллектуал
мулк объектларига нисбатан
мулк ҳуқуқлар энг муҳим
факторлик ҳуқуқлари сифа-
тида тан олинади. Ҳар бир
инсон ўзи муаллифи ҳисоб-
ланган илмий, адабий, ба-
дий ва фаолият натижаси
бўлган бошқа интеллектуал
мулк объектларига нисбатан
маънавий ва моддий манфа-
атларининг муҳофазаси қили-
ниши ҳуқуқига эгадир.

— Бу борада халқаро
ташкilotлар билан ало-
қалар йўлга қўйилгани?

— Бугунги кунда интел-
лектуал мулк соҳаси ҳар бир
мамлакат иқтисодиётининг
муҳим қисмига айланмоқда.

Шунинг учун интеллектуал
мулк муҳофазасини янада
такомиллаштириш устувор
вазифалардан ҳисобланади.
Бунда интеллектуал мулкни
ҳуқуқий муҳофаза қилиш
мақсадида ягона давлат
сўбсатини олиб бориш ва
амалга ошириш муҳим ўрин
тутади. Ана шу маънода
агентлигимиз Бутунжаҳон
Интеллектуал мулк ташкило-
ти, Европа ва Евроосий па-
тент идоралари билан ҳам-
корлик қилиб келмоқда.

Ҳозир ҳар қандай дав-
латнинг қонун ҳужжатлари-
да интеллектуал мулк
объектлари муҳофазасига
қаратилган меъёрлар мав-
жуд. Миллий қонунчилиги-
миз ҳам бундан мустасно
эмас. «Ўзбекистон Респу-
бликасининг Интеллектуал
мулк агентлигини ташкил
этиш тўғрисида»ги Қарор
қабул қилинганидан кейин,
бир қатор қонун ҳужжатла-
рига ўзгариш ва қўшимча-
лар киргизилди.

Интеллектуал мулк соҳа-
сидаги қонун ва атамалар-
ни бир хилда қўллаш, юри-
дик ва жисмоний шахслар-
ни ортиқча молиявий хара-
жатлардан халос этиш, ин-
теллектуал мулк объектлари
эгаларининг ҳуқуқларини
муҳофаза қилиш усуллари



кенгайтирилди, бу борада-
ги механизмлар халқаро ан-
дозаларга мослаштирилди.

— Интеллектуал мулк-
ка эгаллик ҳуқуқини муҳо-
фаза қилишда шаффоф-
лик ва ошқораликни таъ-
минлашга қай даражада
эътибор қаратилмоқда?

— Интеллектуал мулкни
муҳофаза қилиш борасида
амалга оширилаётган ишлар
ҳақида кенг жамоатчиликни
хабардор қилиш учун Аген-
тликнинг ҳар ойда «Расмий
ахборотнома»си, йиллик
хисоботлар, ахборот, услу-
бий ва маълумотнома мате-
риаллари, «Интеллектуал-инфо»
илмий-амалий журнали чоп
этилмоқда. Жойларда те-
гишли идора ва ташкилот-
лар ходимлари иштирокида
тушунтириш-ишлари, семи-
нарлар, давра суҳбатлари,
амалий машғулотлар ўтқа-
зилмоқда.

Агентлик ташкил этилган-
дан буён ихтиролар,
фойдали моделлар, саноат

намуналари, товар белгилари,
электрон ҳисоблаш ма-
шиналари учун дастурлар,
селекция ютуқлари, ҳуқуқий
эгаларини топди. Интеллекту-
ал мулк объектлари бўйича
тегишли давлат реестрларида
агентлик томонидан рўйхатга
олинган барча интеллектуал
мулк объектлари тўғрисида
маълумотлар мавжуд.

Ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олиш, контрафакт
маҳсулотлар айланишига
қарши курашни қучайтириш
мақсадида агентлик ҳуқуқни
муҳофаза қилиш органлари
билан ҳамкорликда рейдлар,
текширувлар ўтказмоқда, те-
гишли мониторинг ишлари
(жумладан, интернетда) ҳам
амалга оширилиши таъмин-
ланаётди. Мазкур тадбирлар
натижасида контрафакт мах-
сулотлар ишлаб чиқарувчи-
лар ва тарқатувчилар аниқ-
ланиб, уларга нисбатан чо-
ралар кўриш учун тегишли
идораларга маълумот юбо-
рилмоқда.

Ҳозирги пайтда патент
ҳужжатларининг давлат
фонди ва интеллектуал
мулкнинг расман рўйхатдан
ўтказилган объектлари
тўғрисидаги маълумотлар
базасини шакллантириш,
агентлик томонидан рўйхатга
олинган барча интеллектуал
мулк объектлари тўғрисида
маълумотлар мавжуд.

Интеллектуал мулкни му-
ҳофаза қилиш бўйича халқ-
аро ҳамкорликни янада ри-
вожлантириш ва мамлакат-
мизда давлат ва ҳўжалик
бошқаруш органлари, тад-
биркорлик субъектлари учун
интеллектуал мулк соҳаси
бўйича кадрларни қайта тай-
ёрлаш ва уларнинг малака-
сини муттасил ошириб бо-
риш бўларнинг ҳаммаси
агентлик фаолиятининг не-
гизини ташкил қилади.

Суҳбатдош:
Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Марказий Кенгаши

вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аппаратларидаги қуйдаги бўш
лавозимларга танлов эълон қилади:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши:

— Назорат-тафтиш бўлими бошлиғи;
— Марказий Кенгаш раиси ёрдамчиси.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон
Республика кенгаши:

— Нукус шаҳар кенгаши раиси.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят
кенгаши:

— Ҳонобод шаҳар кенгаши раиси;
— Улугнор туман кенгаши раиси.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши:

— Жиззах туман кенгаши раиси.

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши:

— Ишлар бошқарувчиси.

Номзодлар қуйдаги та-
лабларга мос келишлари
керак:

— Ўзбекистон Республика-
си фуқароси бўлиши;

— бошқа сиёсий партияга
аъзо бўлмағани (туман ва ша-
ҳар кенгаши раислиги лавози-
мига тавсия этиладиган ходим-
лар учун ЎзХДПга аъзолик
мажбурийдир);

— туман ва шаҳар кенга-
ши раислиги лавозимига тав-
сия этиладиган номзодлар
маълумоти олий, мутахассис-
лиги бўйича маълумот ва ка-
мида уч йиллик иш стажига
эга бўлиши, мамлакатдаги
иқтисодий, ижтимоий ва де-
мократик ислохотларнинг
асосий устуворликлари, сиё-
сий партиялар фаолиятини
тартибга солувчи қонунчи-
лик меъёрларини яхши били-
ши ҳамда ташкилотчилик ва
етақчилик қобилиятига, жа-
моада ишлаш, ахборот-таҳли-
лий фаолият юритиш, омма
олдида чиқиш кўникмаларига
эга бўлиш;

— электрон ҳужжат алма-
шиш тизимида ишлаш асосла-
рини билиш, персонал компю-
терда ишлаш, интернет тар-
моғи, локал ва қўрама тар-
моқлардан фойдалана олиш;

— юксак маданият ва маъ-
навий етуқ бўлиши.

Бунда етакчилик қобилия-
тига эга, ижтимоий-сиёсий
ҳаётда фаол иштирок этишга
интилаётган, сиёсий, иқтисо-
дий ва ҳуқуқий фанлар, ахбо-
рот-коммуникация технология-
лари бўйича пухта билим эгал-
лаган олий ўқув юрталари би-
тирувчилари бўлган ёш кадр-
ларга афзаллик берилди.

Талабдорлар қуйдаги
ҳужжатларни тақдим этиш-
лари лозим:

— ариза;

— маълумотнома (расми
билан белгиланган тартибда
тўлдирилган бўлиши лозим);

— сўровнома (ўз қўли би-
лан тўлдирилиши лозим);

— охириги иш жойидан тав-
сифнома;

— таржимаи ҳоли;

— 2х3 см ўлчамдаги ранг-
ли 4 расм;

— номзод тўғрисида фикр-
нома (уч кишидан);

— маълумоти тўғрисидаги
диплом нусخаси;

— меҳнат дафтарчасидан
нусха;

— малака оширган курслар
бўйича сертификат ёки маъ-
лумотнома;

— паспорт нусхаси (яшаш
жойи кўрсатилган варағи билан).

Ҳужжатларни қабул
қилиш жойи: Тошкент шаҳар,
Юнусов тумани, Мустақил-
лик майдони, 5/3 — бино.

Алоқа учун телефонлар:
(0371) 239-18-55, 239-15-85,
239-19-03.

Алоқада бўлувчи шахс:
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши Ташкилий ва кадрлар
ишлари бўлимининг кадрлар
билан ишлаш сектори мудири
Гавҳар Раманова.

Алоқа маълумотлари:
e-mail: og@xdp.uz

Интернет-сайт:
www.xdp.uz

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Бугунги кунда республикада саноат корхона-
ларини ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш,
маҳсулотларини экспортга йўналтириш билан бир-
га, янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оши-
рилаётган кенг қўламли ислохотлар иқтисодиётнинг
барқарор ўсиши учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқ-
да. Президентимизнинг 2016 йил 16 мартдаги «Ки-
чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари
экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаоли-
ятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги қарори тадбиркорлар учун янги имко-
ниятларни очди.

Экспортчилар учун
янги имкониятлар

Мазкур қарор мазмун-
моҳиятини тадбиркорлик
субъектларига етказиш
ҳамда уларни экспорт фа-
олиятига жалб этиш мақсади-
да жамғарманинг Бухоро ви-
лоят филиали тегишли таш-
килотлар билан ҳамкорлик-
да жойларда учрашувлар ва
давра суҳбатлари ўтказмоқ-
да. Тадбирлар доирасида
тадбиркорлар учун яратилган
янги имкониятлар ҳақида ба-
тафил маълумотлар берил-
моқда. Чунки, молиявий
хизматлар кўрсатишни яна-
да ошириш учун жамғарма
устав капитални 5,3 миллиард
сўмдан 10,0 миллиард сўмга
ва 2,0 миллион АҚШ долла-
рига оширилгани, жамғарма-
нинг хорижий давлатларда ўз
ваколатхоналарини очиб
қўлқўшга эга бўлгани қайд
этилмоқда. Шунингдек, тад-
бир қатнашчилари жам-
ғарманинг янги турдаги экс-
портдаги молиялаштириш
хизматлари билан ҳам та-
ништириб ўтилмоқда.

Бухоро шаҳар ҳокимли-
гида ўтказилган навбатдаги
давра суҳбатида 80 дан
ортиқ тадбиркорлик субъек-
ти қатнашиб, ўзларини
қизиқтирган масалалар ва
саволлар юзасидан батаф-
сил жавоб олишди.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁИҚЛИМ
БЎЙИЧА
ПАРИЖ
КЕЛИШУВИ

ИМЗОЛАНДИ

Нью-Йоркда БМТ Бош қарор-
гоҳида иқлим бўйича Париж
келишувини имзолаш мароси-
ми ўз ниятига етди, деб ха-
бар бермоқда «Интерфакс» ах-
борот агентлиги.

Ҳужжатни халқаро ҳамjami-
ятга аъзо 175 давлат имзо-
лади.



Мазкур келишув 2015 йил 12
декабрда Париждаги анжуман
яқунларига қўра қабул қилин-
ган эди. Анжуманнинг 195 иш-
тирокчиси сайёраимизда 2100
йилгача ўртача ҳаво ҳарорати-
нинг 2 даражага ошишига йўл
қўймасликка келишиб олганди.

Париж келишуви 2020 йил-
дан кейин Киото протоколининг
ўрнини эгаллайди.

Эътиборлиси, келишув бутун
дунёда Халқаро ерни муҳофа-
залаш кўни сифатида ишон-
ланадиган 22 апрелда имзолан-
ди.

BOEING
САМОЛЁТЛАРИдвигателини
алмаштириш
керак

АҚШнинг авиация соҳасида-
ги мутасадди идораси бир қатор
Boeing-787 (Dreamliner) само-
лётларига ўрнатилган двигател-
ларни зудлик билан алмашти-
ришни буюрди, деб хабар бер-
моқда РИА Новости ахборот
агентлиги.

Акс ҳолда, самолётларда
парвоз вақтида жиддий муам-
молар юзага келиши мумкин.
Шу боис, АҚШ федерал авиа-
ция бошқармаси юзага келган
вазиятни «хавфсизликни таъ-
минлаш билан боғлиқ шовишчн
масала», деб таъкидлади.



«Сиртда ҳосил бўладиган муз
сабабли вентилятор парракла-
ри резина қобигига ишқалана
бошлайди ва натижада двига-
тель тебрана бошлайди», деб
изоҳ бериб ўтди двигателни иш-
лаб чиқарувчи GE Aviation ком-
панияси расмий вакили.

Бундай ҳолат 2016 йил 29 ян-
варда 7 мин метрдан ортиқ ба-
ландликдаги парвоз вақтида юз
берган. Федерал авиация бош-
қармаси вакилининг айтишича,
шу муаммо боис, двигателлар
дан бири ўчиб қолган, бироқ са-
молётни қолган двигателлар ор-
қали ерга қўндиришга эришил-
ган.

«Хитой тили
кўприги»мусобақаси бўлиб
ўтди

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида ўн бешинчи марта ўтказилаётган «Хитой тили кўприги» бутун дунё талабалари халқаро мусобақасининг Ўзбекистон бўйича саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Унда ХХРнинг Ўзбекистондаги факулдда ва мухтор элчиси Сун Ли Це, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Конфуций институти директори Ди Сяо Ся, ЎзДЖТУ ректори Шухрат Қайумов, Хитой миллий маданият маркази, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги Конфуций институтлари ходимлари иштирок этишди.

Белгиланган шартларни ҳаммадан яхши бажарган ЎзДЖТУ талабаси Муштарий Яшнарьбекова якунда олий ўринни эгаллаб, ХХРда ўтказилаётган «Хитой тили кўприги» мусобақасида қатнашиш учун йўлланма олди.

Олимпиада
ўйинларига

яна бир йўлланма

Жанубий Кореянинг Чонжу шаҳрида академик эшак эшиш бўйича XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмаси учун Осиё китаси бўйича саралаш мусобақаси низомида бўлиб ўтди.

Миллий Олимпиада қўмитаси матбуот хизматининг хабар беришича, китаянинг кўплаб номдор спортчилари иштирокида ўтган мазкур нуфузли мусобақада жамуртимиз Шахбоз Холмиразов олтин медаль ҳамда «Рио — 2016» ўйинларининг йўлланмасини қўлга киритди.

Шу тариқа, спортчиларимизнинг Рио-де-Жанейрода бўладиган ёзги олимпиада ўйинларига йўлланмаси 76 тага етди.

Самарқандда

Халқаро
конференция
ўтказилди

Самарқанд шаҳрида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонаси ташаббуси билан «Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси сайтида хабар берилган.

Таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фойдаланувчиларга электрон кутубхона хизматлари кўрсатишни янада яхшилашга бағишланган ушбу анжуманда Германия, Россия, АКШ, Англия, Чехия, Латвия, Жанубий Корея, Озарбайжон, Грузия, Қозғоғистондан келган соҳа мутахассислари, экспертлар иштирок этди.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўтказилган анжуманининг очилиш маросимида Чехия миллий кутубонаси раҳбари Кнол Адольф, Жанубий Корея кутубхона департаменти раиси Ким Сунг И ва бошқалар иштирок этди.

БАРКАМОЛ
АВЛОД ОРЗУСИ

Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

I love Uzbekistan

мактабларимизда инглиз тилини ўрганаётган болалар бу гапни
баралла айтмоқда

Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан чет тилларини ўқитишнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

Мазкур тадбир доирасида 4-синф ўқувчилари учун яратилган «Kid's english» дарслик мажмуасининг тажриба-синов жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабига ташриф буюришди.

— Мактабимизда 1060 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди 90-умумтаълим мактаби директори Марҳамат Аҳмедова. — Уларга саккиз нафар инглиз тили фани ўқитувчиси дарс беради. Хар ойда ўқувчиларнинг хорижий тилни ўрганиш даражасини мониторинг қилиб борамиз. Мактабимиз туманда инглиз тили фани бўйича таянч мусассаса бўлгани учун хар жума кунни бу ерга бошқа мактаблардан ўқитувчилар келиб, малака оширади. Инглиз тили хонаси лингафон, 18 компьютер, проектор ва DVD билан жиҳозланган.

Ушбу мактабнинг 3-синф ўқувчиси Исмоил Зоҳидовга

мен ўзбек тилида савол бердим. У инглиз тилида жавоб қайтарди.

— Исминг нима?

— My name is Ismail Zahidov.

— Ўзинг ҳақингда гапириб бер.

— I was born in Tashkent. I love my mom, dad and all the teachers. And I love my country. I love Uzbekistan!

Дарвоқе, бугунги кунда республикаимиздаги 9692 умумтаълим мактабларининг барчасида чет тиллари (инглиз тили 8543 мактабда 3,01 миллион нафар, немис тили 1589 мактабда 316 минг нафар, француз тили 1076 мактабда 216 минг нафар, бошқа

тиллар 27 мактабда 6300 нафар ўқувчига ўргатилмоқда.

— Жорий ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-синфларида 631,2 минг, 2-синфларида 583,5 минг нафар, 3-синфларида 539,3 минг нафар ўқувчи чет тилини ўрганаётган бўлиб, — дейди Халқ таълими вазири Улугбек Иноятов. — Халқаро экспертлар билан ҳамкорликда узлуксиз таълим тизими учун умумевропа талаблари (CEFR) асосида бошланғич синфларда (1-4 синф) ҳафтасига икки соат чет тили ўқитишни назарда тутган янги ўқув режаси ишлаб чиқилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланди.

Мазкур давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастури асосида 1 ва 4-синфлар учун дарслик мажмуалари (дарслик, ўқитувчи китоби, машқ дафтери ва DVD диск) яратилиб чоп этилди ва ўқувчиларга бепул етказиб берилди. 5-9-синфларга дарс бераётган ўқитувчилар учун чет тиллари бўйича методик қўлланмалар янги стандарт асосида қайта яратилиб, нашр қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур дарслик мажмуалари маҳаллий муаллифлар

томонидан хорижлик консултантлар ёрдамида мактаб ёшидаги болаларнинг психологик ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда яратилди. Ушбу янги авлод дарслик-мажмуалар бевосита Тошкентдаги Британия кенгаши, Гёте институти ва Франция элчихонаси билан ҳамкорликда хорижий экспертлар томонидан текширувдан ўтказилиб, такомиллаштирилмоқда.

Шу ўринда айтиш кераки, 2016 йилнинг 11 январидан 20 мартга қадар 4-синфлар учун чет тилларидан яратилган дарслик мажмуалари инглиз тилидан 75, немис тилидан 28 ва француз тилидан 28 таянч мактабларида тажриба-синовдан ўтказилди.

— 4-синф ўқувчилари учун «Kids' English-4» дарслик мажмуаси тажриба-синовлардан муваффақиятли ўтди, — дейди дарслик муаллифи Лутфулла Жўраев. — Тажриба-синов ҳамда амалиёт натижалари, хорижий экспертлар, тилшунослар тавсияси асосида чет тиллари бўйича 4-синф учун дарслик мажмуалари янада такомиллаштирилди.

— Бошланғич синфларда чет тилларини ўқитиш учун

17222 чет тили хоналари тайёрланди ва уларнинг барчаси DVD-магнитола, ўқув-қўргазмалар, қўроллар, лугат ва адабиётлар билан таъминланди, — дейди Улугбек Иноятов. — 2014 йилда 2457 бошланғич синфларга ноутбуклар, проектор ва бошқа техник воситалар етказилган бўлса, 2015 йилда 4193 бошланғич ва 1500 5-9-синфлар учун жиҳозлар етказиб берилди. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 5-9 синф чет тиллари кабинетлари учун жами 2 985 тўплам (2013 йилда 1485 синф тўплам, 2014 йилда 1500 синф тўплам) компьютер техникалари тақдим этилди.

Айни пайтда мамлакатимиз умумтаълим мактабларида 23 390 нафар инглиз тили, 3300 нафар немис тили ва 2283 нафар француз тили ўқитувчилари фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот анжуманида 42 нафар йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчилари Буюк Британиянинг «St. Mark & St. John» университетида малака ошириб қайтгани маълум қилинди.

Темур АбЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Шу кунларда пойтахтимиз оғир атлетика бўйича эркалар ва аёллар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати мусобақаси бўлиб ўтди. Қўшма-мизнинг ўттиз икки давлати вакиллари иштирок этаётган мазкур нуфузли мусобақада Рио-де-Жанейрода бўладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари соҳиблари ҳам аниқланмоқда.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРОГА
ЙЎЛ
ТОШКЕНТДАН
БОШЛАНАДИ

— Ушбу катта спорт байрами мезонлиги Ўзбекистонга берилгани бежиз эмас, — дейди Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти Томаш Аян. — Ўртаингизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, мамлакатингизнинг юксак спорт салоҳияти ва бу ерда яратилган кенг имкониятлар халқаро спорт жамоатчилигининг алоҳида эътирофига лойиқ. Осиё чемпионатида голиб ва совриндорлар билан бир қаторда ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари эгалари ҳам аниқланмаётгани мусобақа нуфузини янада оширади, албатта.

Осиё чемпионатида уч юз нафардан зиёд оғир атлетикачи жами 15 медаллар жамланмаси учун кураш олиб борапти. Унда эркалар саккиз, аёллар эса етти вази тоғасида ўз маҳоратини намойиш қилишмоқда. Мусобақа низомига кўра, бахслар якунида Рио-де-Жанейро олимпиадаси учун эркалар ўртасида етти, аёллар беллашувида эса олти йўлланма тақдир хал бўлади.

Мутахассис ва мураббийларимиз Осиё чемпионатида Руслан Нурудинов, Иван Ефремов, Улугбек Алимов, Сардорбек Дўстмуродов, Рустам Жангабоев, Дўстмуродов, Мухаммад Бегайиев, Аҳмад Эргашев, Марина Сисоева, Лола Қодирова, Муаттар Набиева, Гулноза Аҳмедова, Манзура Мамасолиева, Омайд Отақузиёева, Дина Тожиева каби моҳир спортчиларимизга ишонч билдиришган.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

«Ипотека банк» АТИБ

«Имконият яратамиз»



Хизматлар лицензияланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишда тижорат банклари муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимиз молия тизимида ўз ўрнига эга бўлган «Ипотека банк» АТИБ ва унинг ҳудудий филиаллари ҳам бу борада эътиборга сазовор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бунга «Ипотека банк» АТИБнинг Чиноз филиалини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур филиал Янгийўл ҳамда Куйи Чирчик туманларида истиқомат қилувчи аҳоли ва хўжалик субъектларига ўз вақтида ва тезкор хизмат кўрсатиб, мижозлар сонини янада оширмоқда.

Жумладан, жисмоний шахсларга уй-жой сотиб олиш, қуриш, реконструкция қилиш мақсадида ипотека кредитлари, маиший техникалар, мебель ва интерьер жиҳозлари ҳамда тантана ва маросимлар ўтказиш,

даволаиш, дам олиш, спорт инвентари ва товарлари учун истеъмол кредитлари ажратилмоқда.

Шунингдек, банк филиали томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун микрокредитлар, хўжалик юритувчи субъектларга шахсий бизнесини йўлга қўйишда айланма маблағларини тўлдириш, технологик қайта жиҳозлаш ва бошқа мақсадлар учун узок ва қисқа муддатли кредитлар берилмоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу филиал томонидан 2016 йил 1 чораги давомида мазкур мақсадлар учун олти миллиард беш юз миллион сўм атрафода кредит ажратилди.

Қолаверса, беш миллиард сўмдан зиёд маблағ Президентимизнинг Озқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлашга йўналтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Адлия вазирлигида рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга



асосан 9 нафар касб-хунар коллежи битирувчиларига шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ўттиз етти миллион сўм миқдорда микрокредит ажратилди.

Мазкур маблағ ҳисобидан касб-хунар коллежи битирувчилари нафақат ўзлари, балки тенгдошларини ҳам иш билан таъминламоқда.

Банкнинг доимий мижози «ABDUSHUKUR AGRO SERVIS» хусусий корхонасига Чиноз тумани «Ол.мазор» ҚФЙ ҳудудида футбол майдончаси қуриш учун бир юз етти миллион сўм кредит ажратилди. Бу эса қишлоқ жойларида замонавий спорт иншоотлар барпо этилиши, ёшларни доимий равишда спорт билан шуғулланиши, бир сўз билан айтганда, соғлом ва баркамол авлодни камол топишида муҳим амал бўлимоқда.

Умуман олганда, «Ипотека банк» АТИБнинг Чиноз филиали томонидан ажратилаётган кредитлар қишлоқда саноатни ривожланиши, иқтисодиётни тараққий этиши, янги иш ўринлари яратилиши, энг муҳими, одамларнинг янада фаровон яшашига хизмат қилмоқда.

Абдуқодир БУМАТОВ

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: **Farrux HAMROYEV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad

RAHIMOV

Tat'yana

KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459
15101
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:35
Toshirilgan vaqti — 00:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



2 3 4 5 6